

ГУЛИСТОН ШАҲАР МАКТАБЛАРИДА ЙИЛЛАР КЕСИМИДА ТИББИЙ КЎРИҚДА АНИҚЛАНГАН КАСАЛЛИКЛАР ТАҲЛИЛИ

*Нодирбек Ислombeкович Юсуфов
Хайитов Жавоҳир Баходирович
Салоҳиддинов Фаҳриддин Баҳриддинович
Тошкент тиббиёт академияси*

Аннотация. Олиб борилган профилактик ишлар 2021 йилга нисбатан 2022 йилда айрим касалликларнинг ўқувчилар орасида кескин пасайиши ва уларнинг ишлаш қобилиятининг самарадорлигини ортишига шароит яратган.

Йиллар кесимидаги касалланиш ҳолатининг гигиеник таҳлили ва унга таъсир қилувчи омилларнинг ўрни ва аҳамиятини гигиеник таҳлили касалланиш ҳолати ва айрим касалликларнинг кореляцион боғлилиги билан изоҳланади.

Калит сўзлар: касаллиниш, профилактик ишлар, саломатлик.

Маҳаллий санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати ходимларининг тезкор амалга ошириган профилактик ишларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида 3 йиллик касаллиниш ҳолатини таҳлили қилишни олдимизга мақсад қилиб олдик.

Мактаб ўқувчиларнинг саломатлик ҳолати ишлаш қобилиятига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини гигиеник таҳлили натижасида нафас олиш тизими, аллергия касалликлари, тана ҳолатининг ўзгариши, кўриш тизими таъсирини баҳолашдан иборатдир.

Мактаб ўқувчиларнинг орасида 3 йиллик касалликларнинг тарқалганлик даражасининг гигиеник таҳлилидан кўриниб турибдики, мактаб ўқувчилар орасида кескин юқори даражасида тарқалган касалликлар синфига (IV гуруҳ касалликларидан тиш кариеси ва эндемик буқоқ касаллиги ташкил қилди. III-синф касалликлари орасида темир таниқислик камқонлик касаллиги ташкил қилган бўлса, XII синф касалликлари орасида аллергия касалликлар ва хуснбузар эгаллаган бўлса, XIII-синф касалликларида қоматнинг бузилиш ва VII синф касалликларида нафас олиш тизим органи касалликлари эгалланган ва ушбу тизими касалликларнинг ортиши асосан мактаб ичи омиллари билан кескин боғлиқдир.

1-жадвал

Гулистон шаҳар мактабларида йиллар кесимида тиббий кўрикда аниқланган касалликлар натижалари (2022 йил натижалар асосида)

№	Касалликлар таснифи	2	15	30
IV	эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги ва моддалар алмашинуви бузилишлари	215,79±18,56	211,5±18,51	202,78±18,59
XII	тери ва тери ости тўқима касалликлари	114,85±11,11	108,62±9,46	116,21±12,77
III	қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар	103,67±12,17	92,65±11,59	94,93±11,86
VII	кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари	98,88±11,92	81,47±10,93	88,38±11,48
X	нафас олиш аъзолари касалликлари	71,79±10,34	76,71±9,06	62,37±9,01
XIII	суяк-мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари	71,77±10,31	76,68±10,63	57,28±9,4
I	баъзи инфекцион ва паразитар касалликлар	60,61±9,53	57,51±9,3	54,01±9,14
VI	нерв тизими касалликлари	25,52±6,3	28,75±6,68	27,82±6,65
XI	овқат ҳазм қилиш касалликлари	17,54±5,24	23,96±6,11	26,19±6,46
XIV	сийдик таносил тизими касалликлари	12,76±4,48	11,18±4,2	14,73±4,87
IX	қон айланиш тизими касалликлари	6,38±3,18	4,79±2,76	4,91±2,83
VIII	қулоқ ва сўргичсимон ўсма касалликлари	6,38±3,18	1,6±1,6	4,91±2,83
XVII	Туғма аномалиялари, деформациялар ва хромосом бузилишлар	3,37±1,11	3,27±1,16	3,4±1,19
	Жами	809,31	778,69	757,92

2-жадвалдан кўриниб турибдики, умумий текширилган мактаб ўқувчилари орасида энг кўп тарқалганлар нисбатини яна эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги ва моддалар алмашинуви бузилишлари (IV) касалликлари қайт қилинган ва мактаблар кесимида 215,79±18,56, 211,5±18,51 ва 202,78±18,59 ни ташкил қилган бўлса, тери ва тери ости тўқима касалликлари (XII) эгаллаб, ушбу гуруҳдаги аллергия касалликларнинг сони кескин юқоридир, учинчи ўрни ушбу йилда қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар (III), кейинги ўрнини кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари (VII) ва бешинчи ўрни нафас олиш тизими касалликлари (X) эгалланган. Олинган натижаларнинг таҳлилидан кўриниб

турибдики, кейинги ўринларни нафас олиш тизими ва юқумли паразитар касалликлари эгалланган.

Мактаб ўқувчилар орасида 2023 йилда ташкиллаштиришган тиббий кўриклар натижалари 3-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Гулистон шаҳар мактабларида йиллар кесимида тиббий кўрикда аниқланган касалликлар натижалари (2023 йил натижалар асосида)

№	Касалликлар таснифи	2	15	30
IV	эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги ва моддалар алмашинуви бузилишлари	192,72±19,36	189,14±17,65	185,88±16,34
III	Қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар	99,15±12,36	79,22±9,73	100,66±10,95
XII	тери ва тери ости тўқима касалликлари	96,01±8,2	75,32±8,2	80,80±8,2
XIII	Суяк-мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари	73,76±11,45	67,53±9,04	55,63±8,34
VII	Кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари	73,36±11,15	57,14±8,36	62,25±8,79
X	Нафас олиш аъзолари касалликлари	67,61±7,87	61,17±6,26	64,44±6,64
I	Баъзи инфекцион ва паразитар касалликлар	47,86±8,83	35,06±6,63	38,41±6,99
VI	Нерв тизими касалликлари	39,06±6,94	30,78±5,14	32,52±5,4
XI	Овқат ҳазм қилиш касалликлари	17,09±5,36	15,69±3,87	14,62±3,73
XIV	Сийдик таносил тизими касалликлари	18,55±3,81	15,9±2,25	14,32±1,32
IX	Қон айланиш тизими касалликлари	6,22±2,41	6,26±1,83	6,11±1,32
VIII	Қулоқ ва сўрғичсимон ўсма касалликлари	6,42±2,41	6,11±1,3	5,65±1,87
XVII	Туғма аномалиялари, деформациялар ва хромосом бузилишлар	4,11±1,11	3,57±1,16	3,63±1,19
	жами	741,92	642,89	664,92

3-жадвалдан кўриниб турибдики, умумий текширилган мактаб ўқувчилари орасида энг кўп тарқалган касалликлар нисбати (IV), (III), (XII), (XIII) ва (VII) синф касалликлари кетма-кетлиги ўринларни эгалланганлиги кўриниб турибди.

Олинган натижаларнинг таҳлиллари асосида қуйидаги хулосаларга тўхталдик:

Биринчидан мактаб ичи омиллариининг издан чиқанлиги натижасида мактаб ўқувчиларнинг орасида мактаб шароитида фаст фуд ва қандолат маҳсулотларининг ортиқча истеъмол натижасида эндокрин тизими касалликлари, овқатланиш тартибсизлиги ва моддалар алмашинуви бузилишлари (IV) касалликларидан тиш кариеси ва эндемик буққон касаллиги тарқалганлик даражаси йиллар кесимида энг кўп тарқалган;

иккинчидан мактаб ўқувчилари орасида қон ва қон яратувчи органлар касалликлари ва иммун механизмни жалб этувчи айрим бузилишлар (III) темир таниқслик камқонлик касаллигини юқорилиги қайт қилинган;

учинчидан тери ва тери ости тўқима касалликлари (XII) чанг аллергияси ва озиқ-овқат маҳсулотларининг аллергия касалликлари касалликларнинг сони ҳам кескин юқори даражада сақланиб қолган.

тўртинчидан суяк-мушак тизими ва қўшувчи тўқима касалликлари (XIII) синф касалликларидан мактаб ўқувчиларнинг қоматининг бузилиш қайт қилинган;

бешинчидан нафас олиш тизими кўз ва унинг қўшимча аппарати касалликлари (VII) кўриш тизимининг аллергия касалликлари ва миопиянинг паст ва ўрта даражаси юқорилиги қайт қилинган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Баранов А. А., Альбицкий В. Ю. Состояние здоровья детей России, приоритеты его сохранения и укрепления. //Казанский медицинский журнал. 2018; т.99, 4: 698-703.
2. Bakhodirovich, K. J. (2023). ORGANIZING RATIONAL FOOD FOR CHILDREN ENGAGED IN SPORT TYPE. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 11(11), 811-813.
3. Хайитов, Ж. Б., Бурибоев, Э. М., & Ниязова, О. А. (2023). ИССЛЕДОВАНИЕ И ОЦЕНКА ФАКТИЧЕСКОГО ПИТАНИЯ ДЕТЕЙ И ПОДРОСТКОВ СПОРТСМЕНОВ. Academic research in educational sciences, 4(TMA Conference), 449-454.
4. Abdurakhimov, B. (2023). A SYSTEMATIC APPROACH TO THE MANAGEMENT OF WORKING CONDITIONS, HEALTH STATUS AND RISK FACTORS OF THE WORKERS OF COPPER PRODUCTION ENTERPRISES.
5. Абдурахимов, А. Б. (2024). ИЗУЧЕНИЕ УСЛОВИЙ ТРУДА И ОПРЕДЕЛЕНИЕ ВРЕДНЫХ ФАКТОРОВ ПРОИЗВОДСТВА НА МЕДЕПЛАВИЛЬНЫХ И ОБОГАТИТЕЛЬНЫХ ЗАВОДАХ.
6. Abdurahimov, B. A. (2023). THE SPECIFIC ASPECTS OF TECHNOLOGICAL PROCESS IN COPPER AND MOLYBDENUM CONCENTRATE PRODUCING FACTORIES (Doctoral dissertation).
7. Islamovna, S. G., & Bakhodirovich, K. J. (2019). Hygienic assessment of actual food of school age children in chess sports. European science, (2 (44)), 76-78.
8. Эрматов Н. Ж. Гигиенические факторы, влияющие на показатели здоровья детей и подростков //Патология. – 2010. – №. 1. – С. 9.